

ТУРЛИ ТАРКИБЛИ АРАЛАШМАЛАРДАН ОЛИНГАН ИПЛАРНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Танибердиев Фаррух Рустамович

таянч докторант

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Исаев Хамид

доцент

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Хамраева Сановар Атоевна

профессор

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Аннотация: ушбу мақолада Бухоро шаҳридаги Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига қарашли “Бухоро ўқув ишлаб чиқариши корхонаси”да 100% пахта толасидан, 40% рогоза ўсимлигидан олинган толаси билан 60% пахта толаси аралашмасидан, 50% рогоза ўсимлигидан олинган толаси билан 50% пахта толаси аралашмасидан, 60% рогоза ўсимлигидан олинган толаси билан 40% пахта толаси аралашмасидан олинган ипларнинг физик-механик хусусиятлари аниқланди.

Калит сўзлари: чизиқий зичлиги бўйича вариация коэффициентлари, буралишлар сони бўйича вариация коэффициентлари, узиллиш кучи, солиштирма узиллиш кучи, узиллиш кучи бўйича вариация коэффициентлари, узиллишдаги узайиши, узиллишдаги узайиши бўйича вариация коэффициентлари

ИЗМЕНЕНИЕ КАЧЕСТВЕННЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРЯЖИ РАЗЛИЧНЫХ СОСТАВОВ

Танибердиев Фаррух Рустамович

докторант

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Исаев Хамид

доцент

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Хамраева Сановар Атоевна

профессор

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Аннотация: В данной статье в Бухарском учебно-производственном предприятии общества слепых Узбекистана в г. Бухаре используется 100% хлопковое волокно, 40% растительное волокно рогоза и 60% смесь хлопкового волокна, 50% растительное волокно рогоза и 50% смесь хлопкового волокна, 60% растительное волокно рогоза и 40% смесь хлопкового волокна и определены физико-механические свойства пряжи.

Ключевые слова: коэффициент вариации по линейной плотности, коэффициент вариации по числу круток, разрывная нагрузка, относительное разрывная нагрузка,

коэффициент вариации по разрывной нагрузке, коэффициент вариации относительного удлинения при разрыве, коэффициент вариации по разрывном удлинении

CHANGING THE QUALITATIVE CHARACTERISTICS OF YARN OF DIFFERENT COMPOSITIONS

Taniberdiev Farrukh Rustamovich
doctoral student

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Isaev Xamid
Docent

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Xamraeva Sanovar Atoevna
professor

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Abstract: *In this article, 100% cotton fiber, 40% plant fiber of cattail and 60% mixture of cotton fiber, 50% plant fiber of cattail and 50% mixture of cotton fiber, 60% plant fiber are used in the Bukhara educational and production enterprise of the Society of the Blind of Uzbekistan in Bukhara cattail and 40% mixture of cotton fiber and determined the physical and mechanical properties of the yarn.*


Keywords: *coefficient of variation in linear density, coefficient of variation in the number of twists, breaking load, relative breaking load, coefficient of variation in breaking load, coefficient of variation in elongation at break, coefficient of variation in breaking elongation*

Нотекислик йигириш корхонасида ишлаб чиқариш маҳсулотларининг салбий хоссалари бўлиб, кўпинча корхонадаги техник-иқтисодий кўрсаткичларга, ҳамда ипнинг физик-механик хоссаларига салбий таъсир қилади. Йигириш ишлаб чиқаришидаги маҳсулотларнинг нотекислигини синаш ва назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, нотекисликни келтириб чиқариш сабабларини ва вақтини белгилаб беради. Йигириш машиналарида ипларни ўраш ва шаклланиш вақтидаги узилиши қанчалик кўп бўлса, унда ипнинг нотекислиги шунчалик юқори бўлади. Ипларнинг узилишининг ошиши натижасида ишчиларнинг иш билан таъминланганлиги ошади, ҳамда машиналарнинг иш унумдорлигининг пасайишига олиб келади.

Йигириш маҳсулотларининг нотекислигини таҳлил этиш жуда мураккабдир. Йигириш маҳсулотлари учун нотекисликнинг кўпгина турлари мавжуддир: йигиришнинг биринчи босқичида ҳосил бўлиши ҳамда кейинги босқичларда ўзгариши ва унга янги турдаги нотекисликларнинг кўшилишидир.


Шу сабабли, 100% пахта толасидан, 40% рогоза ўсимлигидан олинган толаси билан 60% пахта толаси аралашмасидан, 50% рогоза ўсимлигидан олинган толаси билан 50% пахта толаси аралашмасидан, 60% рогоза ўсимлигидан олинган толаси билан 40% пахта толаси аралашмасидан олинган ипларнинг сифат кўрсаткичлари лабораторияда аниқланди.

Тадқиқот натижалари 1-4-расмларда келтирилган.



Аралашма таркиби
 1-чизиқий зичлиги бўйича; 2-буралишлар сони бўйича.


1-расм. Аралашма таркиби турлича бўлган ипларнинг чизиқий зичлиги ва буралишлар сони бўйича вариация коэффициентининг ўзгариши.



Аралашма таркиби

1- узилишдаги узайиши бўйича вариация коэффициенти; 2- узилиш кучи бўйича вариация коэффициенти.


2-расм. Аралашма таркиби турлича бўлган ипларнинг узилиш кучи ва узилиш узайиши бўйича вариация коэффициентининг ўзгариши.



Аралашма таркиби

1- солиштира узлиш кучи; 2- узлишдаги узайиши.

3-расм. Аралашма таркиби турлича бўлган ипларнинг солиштира узлиш кучи ва узлишдаги узайишининг ўзгариши.



Аралашма таркиби

4-расм. Аралашма таркиби турлича бўлган ипларнинг узлиш кучининг ўзгариши.

Тадқиқот натижалари таҳлилини қиладиган бўлсак, 100% пахта толасидан олинган ипларнинг кўрсаткичларига нисбатан солиштира, 40%

рогоза ўсимлигидан олинган толаси билан 60% пахта толаси аралашмасидан олинган ипларнинг чизиқий зичлиги бўйича вариация коэффиценти 14,7% га, буралишлар сони бўйича вариация коэффиценти 9,3% га камайди, узилиш кучи 7,5% га, солиштира узилиш кучи 7,1% га ошди, узилиш кучи бўйича вариация коэффиценти 3,2% га, узилишдаги узайиши 28,0% га, узилишдаги узайиши бўйича вариация коэффиценти 17,1% га камайди, 50% рогоза ўсимлигидан олинган толаси билан 50% пахта толаси аралашмасидан олинган ипларнинг чизиқий зичлиги бўйича вариация коэффиценти 8,8% га, буралишлар сони бўйича вариация коэффиценти 15,5% га камайди, узилиш кучи 13,4% га, солиштира узилиш кучи 12,4% га, узилиш кучи бўйича вариация коэффиценти 3,9% га ошди, узилишдаги узайиши 7,3% га, узилишдаги узайиши бўйича вариация коэффиценти 36,5% га камайди, 60% рогоза ўсимлигидан олинган толаси билан 40% пахта толаси аралашмасидан олинган ипларнинг чизиқий зичлиги бўйича вариация коэффиценти 11,8% га, буралишлар сони бўйича вариация коэффиценти 19,6% га камайди, узилиш кучи 18,8% га, солиштира узилиш кучи 17,5% га, узилиш кучи бўйича вариация коэффиценти 18,0% га, узилишдаги узайиши 5,6% га ошди, узилишдаги узайиши бўйича вариация коэффиценти 64,8% га камайди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлили шу нарсани кўрсатдики, ип таркибида рогоза ўсимлигидан олинган тола миқдори ортиши билан ипларнинг узилиш кучи 7,5% дан 18,8% гача, солиштира узилиш кучи 7,1% дан 17,5% гача, узилишдаги узайиши 5,6% дан 28,0% гача ошганлиги, чизиқий зичлиги бўйича вариация коэффиценти 8,8% дан 14,7% гача, буралишлар сони бўйича вариация коэффиценти 9,3% дан 19,6% гача камайганлиги аниқланди.

Адабиётлар рўйхати

1. С.А.Хамраева, Д.Т.Назарова, Ф.Р.Тангрибердиев “Оценка показатели качества натуральных смешанных волокон” / “International scientific conference “global science and innovations 2019: central asia” astana, kazakhstan, march 2019. 281-283 б.

2. Salokhiddin Mardonov, Sanovar Khamraeva, Kodir Muminov, Khakim Rakhimov, Elyor Kuldoshev. Analysis of quality indicators of sizing warp threads // International Journal of Advanced Science and Technology. – USA, Vol. 4. 2020. – P. 4957-4968. (01.00.00; №3, Scopus).

3. Хамраева С.А. Равновесия нити на поверхности ткани //Текстильная промышленность. - М., 2007. -№6. -С.55-54.

4. Хамраева С.А. Аналитический расчёт движения прокладчика утка //Текстильная промышленность. -М., 2007.-№6. -С.50-52.